O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 9 *ФЕВРАЛ*, СЕШАНБА | № 6 (106) | Сотувда эркин нархда

Bugun hazrati Alisher Navoiy tavallud topgan kun

Бу маскан шеърият ихлосмандларининг доимий зиёратгоҳидир.

КЎЗЛАРИМНИНГ ОЛЛИДА ДАВРОН ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ...

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сариғ, яшил,
Шўълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сариғ яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳ ила
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сариғ, яшил.

Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг ёдидин,
Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сариғ, яшил.

Оразу хилъат била хаттинг хаёлидин эрур,
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сариғ, яшил.

Лаългун май тутқил олтун жом бирла, сабзада
Ким, булардан яхши йўқ имкон қизил, сариғ, яшил.

Фақр аро бирранглик душвордур беҳад, валек
Хирқада тикмак эрур осон қизил, сариғ, яшил.

Эй Навоий, олтуну шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сариғ, яшил.

Алишер НАВОИЙ

Qo'riqlash xizmati xabarlari

ПОСБОННИНГ ГУМОНИ

Яккасарой туман қўриқлаш бўлими милиционери, милиция кичик сержанти Илҳом Пўлатов Самарқанд шоҳбекатида шубҳали кўринган шахсни тўхтатди ва аста суҳбатга тортди. Гумондор шахс эса милиция ходимининг вазминлик билан берган саволларига узуқ-юлуқ ва ҳаяжон билан жавоб берар экан, «тили»дан илиниб қолди.

Ангрен шаҳридан келаётган М.Алексейнинг ёнидан ярим килодан ортиқ «опий» гиёҳвандлик моддаси чиқди. Ҳозирда ангренлик «меҳмон»нинг «ташриф» сабаблари тергов давомида ўрганилмоқда.

ТЕЛЕВИЗОРНИ КЎРИШГА УЛГУРМАДИ

Миробод тумани ҳудудида жойлашган, қўриқлаш хизматидан фойдаланишни «ўзларига эп кўрмаган» дўконлардан биридан «Фунай» телевизорини ўғирлаб қочган трамвай ҳайдовчиси А.Рустам уйига етиб келди-ю, аммо уни кўришга улгурмади. Чунки шу ҳудудда хизмат ўтаётган Миробод туман қўриқлаш бўлими ходимлари милиция лейтенанти Бахтиёр Қаҳҳоров ва милиция сержанти Жониқул Хадиёров уни изма-из кузатиб келиб, ашёвий далил билан қўлга олишди. Телевизор дўконга «қайтди», аммо трамвай ҳайдовчиси уйига бир неча йилдан кейин қайтса керак...

«ОИЛАВИЙ ПУДРАТ» ФАОЛИЯТИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Қизиқ, бу қандай оилавий пудрат экан, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Гап шундаки, С.Лариса ўғли С.Николай ва А.Нина ўғли А.Андрей билан ўзаро тил бириктириб, Ҳамза тумани ҳудудидаги омборхоналардан бирининг эшигини бузиб, умумий миқдори 30 минг сўм бўлган молларни ўғирлаб кетишаётганда, қўриқлаш бўлими ходимлари милиция лейтенанти Рустам Алламов, милиция старшинаси Муҳиддин Солиҳов ва милиция сержанти Бахтиёр Салимовлар томонидан қўлга олинди. Милиция ходимлари бу «оилавий пудрат»нинг келажаги йўқлигини йўл-йўлакай тушунтириб боришди.

ЗЎРАВОННИНГ ЕЛКАСИ ЕРГА ТЕГДИ

Ўзини шер билган ваёл кишига пичоқ билан тан жароҳати етказган зўравонни полвон деб бўлмайди. Ҳеч қаерда ишламайдиган К.Нигматилла таниши бўлмиш Ю.Барнога «кучи»ни кўрсатаётганда Собир Раҳимов туман қўриқлаш бўлими ходимлари милиция катта лейтенантлари Низомиддин Қаландаров ва Шавкат Умрзоқовнинг вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида қўлга олинди.

Аёлларга зўравонлик қилган «полвон»нинг курагини милиция ходимлари «ерга» текказишди. Энди у ошна-оғайнилари ва қариндош-уруғлари кўзига қандай қараркин?

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
милиция катта лейтенанти

Qonun va ijro

МЕҲНАТНИНГ ҚАДРИ

Бундан атиги бир неча йил олдин инқирозга юз тутган эски тузумдан «мерос» бўлиб қолган энг катта иллатлардан бири умуммулкини талон-тарож қилиш, ҳамманики бўлган нарсага бегона кўз билан қараш кўникмасининг кенг тарқалганлиги эди. Миллионлаб гектар ерларга экилган экинларнинг эгаси йўқ эди. Уларни кўриқлаш ишлари номигагина - «сиёсат учун» амалга оширилар эди. Ана шундай муносабатларнинг ҳамон одамларимиз орасида мавжудлиги ачинарли ҳолдир. Ахир, деҳқон бир ўзи учун чексиз пайкалларга уруғ сочмайди. Эккан йиғиб олсин, қабилида иш тутиш пайтлари ҳам аллақачон ўтиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 27 ноябр кунидаги қарорида адлия ва суд тизими идораларига экинларни пайҳон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида амалдаги қонунчиликни тарғиб қилиш ва кенг тушунтириш ишларини олиб бориш масъулияти юклатилган.

Экинларни пайҳон этишга қарши кураш масалалари ҳукуматимиз раҳбарларининг доимий назоратида бўлиб, асосий эътибор донли экинларнинг пайҳон қилинишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сақланишини таъминлаш, республикамиз аҳолисини дон ва нон маҳсулотлари билан етарли даражада таминлашга қаратилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон этилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, ушбу Фармоннинг қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 ноябр кунидаги 423-сонли, 1996 йил ноябрдаги 416-сонли қарорлари қабул қилинишига қарамасдан амалга оширилган ишлар кутилган натижаларни бермади.

1997 йилда Республика судлари томонидан 43 та жиноят иши 44 нафар шахсга нисбатан кўрилиб, айбдорларга турли жазо чоралари кўрилди ва улардан 700573 сўмлик моддий зарар суд ҳукмига кўра ундириб олинди.

Прокуратура органлари томонидан ушбу ишлар юзасидан келтирилган даъво аризалари фуқаролик тартибида судлар томонидан кўрилиб, 479 та иш бўйича даъво қаноатлантирилган ва 1.754.419 сўмлик моддий зарар суд қарорлари асосида ундирилган. 1997 йилда жами экинларни пайҳон қилиш билан боғлиқ 3881 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари кўрилиб, 4340 та шахс маъмурий тартибда жавобгарликка тортилиб, уларга 2.658.850 сўм жарима солинди.

1998 йилнинг 10 ойи давомида 16 та жиноят иши 24 нафар шахсга нисбатан кўрилиб, 928.492 сўм, прокуратура даъвоси бўйича 162 та фуқаролик иши кўрилиб, 731.607 сўмлик зарар суд қарори асосида ундирилди. Шунингдек, 2014 шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 1.147.732 сўм жарима суд қарорига кўра ундирилди.

Республика адлия ва суд идоралари ходимлари 1998 йилнинг 10 ойи давомида 46 маротаба маҳаллий радио ва телевидение орқали суҳбатлар уюштирдилар. Республикамиз рўзномаларида экинларни пайхон қилиш билан боғлиқ ва унинг жиддий оқибатлари хусусида қатор мақолалар билан чиқишлар қилдилар. 201 та иш ва маъмурий тартибдаги ҳужжатлар сайёр суд мажлисларида кўрилди. Албатта, бу ўринда асосий эътибор қарор, қонунлар талабларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этишга қаратилди. Матбуотда, уюштирилаётган суҳбатларда **ситаларида босиб ўтиш; энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки баробаригача миқдорида жарима солинишига;** учинчи бандида – ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир баробаридан уч баробаригача, мансабдор шахсларга эса уч баробаридан етти баробаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлишлиги кўрсатилган.

Экинларни пайҳон қилиш ҳолатлари айниқса, Фарғона водийси вилоятларида кўп учраб турибди. Кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларининг 107 таси Фарғона вилояти туман ва шаҳар судларига тегишли. Қолган вилоятларда бундай қоидабузарликлар бир мунча камроқ бўлса-да, қилинган ишлар ҳали етарли эмас. Биз пировард натижада бирорта ҳам вилоятда экинларнинг пайхон қилинишига йўл қўймасликка эришишимиз зарур. Бу иш аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кенгроқ олиб боришни, кўриладиган ишларни аҳоли ўртасида кўриб ҳал этишни, радио ва маҳаллий телевидения орқали махсус кўрсатувлар бериб бориш кераклигини тақозо этади.

Аммо шунча тадбирий чораларга қарамай, ҳамон экинларни пайхон қилиш ҳолатлари юз бермоқда.

Масалан, Сирдарё вилояти Гулистон туманида яшовчи Қудратов Ахматқул ўзининг 5 бош қорамолини Бешбулоқ жамоа хўжалигининг даласига қўйиб юборганлиги оқибатида хўжаликка 25200 сўмлик зарар етказган. Унинг бу ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 198-моддаси 3-қисми билан квалификация қилиниб, судга берилган ва у шу модда билан айбдор деб топилиб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишига тортилиб, унинг иш ҳақидан 30% давлат ҳисобига ундириладиган бўлган.

Шу туман суди томонидан Аллаёров Турдибойнинг 4 бош, Сарманов Аҳмаднинг 5 бош қорамоли Бешбулоқ жамоа хўжалиги даласига қўйиб юборганликлари орқасида хўжаликка 24040 сўмлик ва иккинчиси 26415 сўмлик моддий зарар етказганлар. Буларнинг ҳам ҳаракатларига шу модда қўлланиб, уларга ҳам 2 йилдан ахлоқ тузатиш иши ва ойлик иш ҳақи 30% дан давлат фойдасига ундирилиш тўғрисида ажрим чиқарилган.

Андижон вилояти Балиқчи туманида яшовчи С.Қорабоев, О.Жўраев, Ш.Зокиров, Т.Исомиддинов, М.Маткаримова, Б.Солиев, Э.Иномов, М.Умаровлар ўзларининг 17 бош қорамолларини Ғалаба жамоа хўжалиги пахта даласида боқишга қарор қилишди ва хўжаликка 6800 сўмлик зарар келтиришган. Уларни маъмурий жавобгарликка тортилганлик ишлари туман суди томонидан сайёр суд мажлисида кўрилиб, ҳар бирлари турли миқдорларда жарима жазосига тортилганлар.

Ўз чорваларини ғалла экилган майдонларда боқиш Қашқадарё вилоятида ҳам «урф» бўлган. Қарши туманида яшовчи Равшанова Боғдагул ва Омонова Ширинлар бири 3 бош ва иккинчиси 5 бош қорамолларини «Истиқлол» жамоа хўжалиги даласида боқиб, хўжаликнинг ғалла майдонини пайхон қилдириб, катта зарар етказганлар.

Давлатимиз томонидан деярли ҳар йили экинларни пайхон қилишга қарши қарорлар эълон қилинаётганига, мунтазам равишда ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари томонидан бундай қоидабузарликларга қарши кураш олиб борилаётганлигига, тушунтириш ишларининг кенг қамровда олиб борилаётганига қарамай ҳамон салбий ҳодисаларнинг рўй бериш ҳолатлари камаймаяпти. Бу ўринда жамоа хўжаликларида, қишлоқ йиғини ҳудудларида экинларни авайлаш, асраш ишига совуққонлик билан қаралаётгани ажабланарли ҳолдир. Бундай жиноятлар уларнинг ҳудудларида, уларнинг тасарруфларидаги ерларда содир этилмоқда. Ахир, ота-боболаримиздан инсоф – сари барака, деган гап қолган. Буғдойзор, пахта даласи, сабзавотлар экилган пайкалларимиз ўт-ўлан барқ уриб ётган яйлов эмас-ку.

Низом ЗОКИРОВ,
Адлия вазирлиги судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

БУГУНГИ СОНДА:

3-бет НАМОЗХОН КУЁВНИНГ ҚАҲРИ

«ЭШИГИНГНИ БИЛМАЙ ОЧДИМ, ИЧКАРИДА КИМЛАР БОР?» (Замонавий қўшиқларимиз ҳақида айрим мулоҳазалар) 4-бет

Мамлакатимизда 20 январдан 20 февралгача — Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда

Жиззах вилояти Пахтакор тумани ДАН ходимлари Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигида жойларга тез-тез чиқиб, қизиқарли суҳбатлар олиб боришяпти. Бу эса илк кунларданоқ ўз самарасини берди. Бунда ДАН нозирларидан Сафар Акажонов, Низомиддин Жуманов (тепадаги сурат) ва Холбек Умрзоқовларнинг хизматлари мақтовга сазовордир.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

«Inson va qonun»ga javob beradilar

ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Инсон ва қонун» газетасида эълон қилинган «Бозор аҳли нега норози?..» сарлавҳали мақолада қайд этилган фактлар вилоят прокуратураси томонидан текширилди.

Текшириш кўрсатдики, ҳақиқатан ҳам Денов «Бободеҳқон» бозорини кенгайтириш учун бош лойиҳа бўлмаган ҳолда 1996 йили 54 нафар, 1997 йили 16 ва 1998 йили 18 нафар фуқарога ўша даврда ишлаган ҳокимлар қарорлари асосида дўкон қуриш учун ер ажратиб берилган ва ер майдонларида дўконлар қурилиб тугалланган, бу дўконлардан тадбиркорлик соҳасида фойдаланиб келинмоқда. Қурилган дўконларнинг аксарияти санитария-эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайди, эстетик жиҳатдан кўримсиздир...

«Бободеҳқон» бозори ҳудудидан берилган ер майдонларида фуқаролар томонидан савдо дўконлари қурилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини уларни жойлари билан биргаликда хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги 126-сонли қарори асосида ер майдонлари дўкон эгаларига хусусий мулк қилиб сотиб юборилган ва мулкни тасдиқловчи давлат ордери берилган.

Мақоладаги айтилган «Кисловодск» айвони тагида, Денов тумани ҳокимининг 1998 йил 4 июндаги 509-сонли қарори асосида ажратилган 120 квадрат метр майдонда, фуқаро Азимова Саидбиби томонидан дўкон қурилган ва 123,6 квадрат метр ер майдони давлат мулкини бошқариш, тадиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси орқали хусусий мулк қилиб сотиб олинган.

Мақолада қайд этилган «Кисловодск» айвони вилоят идоравий давлат экспертизасининг хулосаси ва вилоят давлат архитектураси қурилиш назорат бошқармаси томонидан тегишли рухсатнома олмасдан, режасиз қурилганлиги аниқланиб, ушбу қонун бузилишлари бартараф этилгунга қадар вилоят қурилиш-назорат бошқармаси томонидан қурилиш тўхтатилиши ҳақида ёзма кўрсатма берилди...

Бозор ҳиссадорлик жамияти бошқарув раҳбарлари Денов тумани ва шаҳар ҳокимининг ер ажратиш ҳақидаги қарорларидан норози бўлсалар «Ер тўғрисида»ги Қонун ва Кодекснинг 14, 37-моддалари талаби асосида судга шикоят қилишлари мумкин бўлса-да, ўша вақтда шикоят келтирилмаган.

Шунинг билан бирга, Фуқаролик Кодексининг 12-моддаси ва «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддаси ва юқорида қайд этилган қонун талабига асосан «Бободеҳқон» бозори ҳудудидан дўконлар қуриш учун ер участкалари туман ва шаҳар ҳокими қарори билан ажратиб берилганлиги ва ушбу масалада бозор маъмурияти билан ҳокимлик ўртасида низо туғилганлиги сабабли бозор раҳбариятига ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилди.

Бозорларда тартиб ўрнатишга қаратилган қонунлар ижросининг бажарилиши юзасидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходимлари ҳамкорлигида мунтазам текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга тегишли чоралар кўрилиши таъминланиб борилмоқда.

Текшириш натижасига кўра Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят «Бозор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси кузатув кенгаши раиси К.Аҳмедов номига бозорларни тартибга солиш ҳақидаги қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, келгусида бу каби қонунбузарликларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини белгилаш ҳақида тақдимнома ва вилоят ҳокимига ахборотнома киритилди.

Ш.ШУКУРОВ,
Сурхондарё вилояти прокурори

700 СЎМЛИК «СЕВГИ»

Мирзо Улуғбек тумани Қорасув-3 даҳасида истиқомат қилувчи П.Мария хола ўз хонадонида 1980 йилда туғилган А.Азиз ва 1968 йилда туғилган И.Дилбарни «махфий севги» сирлари тўғрисида пинҳона «суҳбатлашишлари» учун 700 сўм пул олиб, жой берганлиги 3-шаҳар милиция бўлимининг тезкор ходимлари ва 5-Марказлаштирилган қўриқлаш пульти ходимлари томонидан фош этилди. Бир неча дақиқада севгини 700 сўмга пуллашга улгурганлар тегишли жазоларини олишлари муқаррар.

Qilmish-qidirmish

ФУТБОЛ МУХЛИСИ ЭМИШ...

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туман Гулзор кўчасидаги хонадонларнинг биридан тунги соат 12^{30} лар чамаси ўғирлик содир этилгани тўғрисида навбатчилик қисмига ташвишли хабар тушди. Ўша заҳоти барча хизматдаги кучлар сафарбар этилди.

Ушбу ҳолат юзасидан туман қўриқлаш бўлими ходимлари милиция капитани Эрмат Сатторов ва милиция сержанти Саидобид Носиров зарур чора-тадбирларни қўллаб, барча «қора рўйхат»га тушганларни бирма-бир кўздан кечиришни лозим топишди ва бу тадбир зое кетмади. Ҳозирда ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам ҳам ўғирлик жинояти содир этиб, 7 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, ўзига тегишли хулоса чиқармаган Ю.Иброҳим билан суриштирув ҳаракатлари олиб борилганда, у ҳақиқатан ҳам юқоридаги манзилдан 120 дона халат ва 50 дона футболчиларнинг спорт кийимини ўғирлаганини тан олди.

Ўзини футболнинг ашаддий мухлиси деб таништирган бу шахс ўғирлаган кийимларини қайси «команда» учун ўмаргани терговда аниқланади. Ҳозирча эса бир нарса аниқ - пойтахт қўриқлаш хизмати фаолият кўрсатар экан, уларнинг ҳар қандай командаси мағлубиятга учрайверади.

Мирза РАҲИМ,
жамоатчи мухбиримиз

Тошкент Молия институтининг 1999 йилги абитуриентлари диққатига

Тошкент Молия институтининг «Математика» кафедраси қошида 1999 йил учун абитуриентларни тайёрлаш бўйича махсус курсларга тингловчилар қабул қилинмоқда.

Кафедранинг тажрибали профессор-ўқитувчилари Сизга институтга кириш учун математикадан кафолатли билимларни эгаллашга ёрдам беради.

Ўқитиш замонавий тест методикаси усулида олиб борилади.

Манзилимиз: **Акмал Икромов тумани, Лутфий кўчаси, 18-уй, Тошкент Молия институти, Ҳисобиқтисод факультети, 3-қават, 315-хона, «Математика» кафедраси.**

Телефон: 71-91-52

Транспорт: 4, 9-трамвайлар ва 2, 77-автобусларнинг «Чўпон ота» бекати

(Реклама ҳомийлик тариқасида эълон қилинди)

Soliq tizimi xabarlaridan

ҚАРЗДОРЛИК — ЁМОН ИЛЛАТ

Ғузор туман электр тармоқлари корхонасининг дебитор қарзи 195580,5 минг сўмга етди. Солиқчилар унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишганда, 8783,9 минг сўми муддати 60 кундан ўтган дебиторлик қарзи эканлиги аниқланди. Қонунга мувофиқ ташкилот бош ҳисобчиси 11000 сўм жарима тўлайдиган бўлди. Айрим корхона ва ташкилотларнинг бошлиқлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросига етарли эътибор бермасдан корхонани ҳам, жамоани ҳам қийин аҳволга қўймоқдалар. Қарши шаҳридаги Сувокова корхонасида 23228,1 минг сўм, Чироқчи туманидаги «Меҳнатобод» жамоа ширкат хўжалигида 4232 минг сўм муддати ўтган дебитор қарзлар мавжудлиги аниқланди.

Вилоят солиқ бошқармаси ва унинг қуйи органлари ўтган йили 3234 ташкилотда юқоридаги қарор ижросини кўздан кечирдилар. 1230 корхонада қонунга риоя қилмаслик ҳолларига дуч келинди. Бу қанчадан-қанча ишчи-хизматчилар маошларини, кексалар нафақаларини, талабалар стипендияларини вақтида ололмадилар деган гап. Хато ва камчиликларга йўл қўйган ташкилотларнинг 3989 нафар мансабдор шахслари 17673,8 минг сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилдилар.

...КЎЗ ЧИҚАРИБ ҚЎЙИШДИ

Баъзи раҳбарлар дўппини бошдан олиб, хаёлларига келган қалтис фикрнинг оқибатини пухтароқ ўйламасдан уни амалга оширишга шошиладилар. Натижада қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар.

Муборак туманидаги «Кавказ» фирмасининг бошлиқлари ҳам хом хаёллар билан 466,1 минг сўм даромадни ҳисоботдан яширдилар. Улар «бу йўлларни Афлотуни ҳам тополмайди», деб мақтаниб юрганларида, бу ҳол солиқчилар назаридан четда қолмади. Ўзларини қаёққа уришни билмай қолган қонунбузарлардан юз фоиз миқдорида молиявий жарима ундирилди.

У.Юсупов туманидаги «Фахриддин» деҳқон-фермер хўжалиги, Косон туманидаги «Бўрдоқичилик» жамоа корхонаси, Шаҳрисабз «Ўзагрокимётаъминот» очиқ ҳиссадорлик жамияти каби ўнлаб корхоналар ҳам ҳисоботда даромадларни камайтириб кўрсатиш оқибатини ўйламадилар. Қонунга риоя этмаган ташкилотларнинг «ишбилармон раҳбарлари» 17673,8 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

ТИББИЁТДАН ЙИРОҚ ДОРИФУРУШЛАР

Ҳозир нима кўп, тадбиркор кўп. Кийим-кечак, озиқ-овқат майли-ю, тиббиёт кўчасидан мутлақо ўтмаган, валидолни қорин оғриғига даво деб юрганлар ҳам бинойидек «аптекачи» бўлиб қолишди. «Москва-Душанбе» йўналиши бўйича қатновчи поездда Қарши шаҳрига 53 турда 231,6 минг сўмлик дори-дармон олиб келган фуқародан тегишли ҳужжатлар талаб қилинганда «Шеригимда эди, ҳозир кўрсатаман», деб дом-дараксиз йўқолди. Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе қишлоғида яшовчи, ўзини таништиришни лозим топмаган дорифурушдан 15 турдаги 32000 сўмлик, Сурхондарё вилояти Шеробод туманида яшовчи И.Матиевдан, 19035 сўмлик ҳужжатсиз дори-дармонлар олиниб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

ҲАР БИР СЎМНИНГ ЎРНИ БОР

Банк муассасасидан олинадиган ҳар бир сўмнинг ўз ўрни бўлиб, у белгиланган йўналиш бўйича сарфланиши шарт. Бироқ баъзи ташкилотларда қонун-қоида бир томонга суриб қўйилиб, маблағлар раҳбарнинг истагига биноан сарфланаяпти.

Шаҳрисабз шаҳридаги 24-очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишда банкдан иш ҳақи учун олинган нақд пулдан 58053 сўми хизмат сафарларига, нафақага олинган 489568 сўм тамоман бошқа харажатларга сарфланганлиги аниқланди. Тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун туман прокуратурасига юборилди.

Навоий вилоят Конимех тумани прокурори Забрия Садирова мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш учун билим ва маҳоратини аямай келаётган инсоплардандир.

СУРАТДА: «Дўстлик» ордени соҳибаси, адлия маслаҳатчиси З.Садирована прокуратура терговчиси Эшмамат Ҳамроев билан суҳбат пайтида кўриб турибсиз.

Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда шаҳар, туман инспекциялари ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги «Нақд пул эмиссиясини қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 230-сонли қарорининг ижроси юзасидан 1998 йил давомида 553 бор текшириш ўтказишди. Уларнинг аксариятида нақд пулларни ноқонуний сарфлаш, ўз вақтида банк муассасаларига топширмаслик сингари қоидабузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. 223 айбдор шахс 1340 минг сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти

Ma'lumot bekati

ХЎЖАЛИК БИРЛАШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги Низоми мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хўжалик бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берди. Аввало хўжалик бирлашмаси ўзи нима, деган савол туғилиши табиий. Юқорида номи зикр этилган Низомда бу тушунча қуйидагича берилади: «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтиши керак бўлган хўжалик бирлашмалари деб корпорациялар, концернлар, уюшмалар, иттифоқлар, акционерлик жамиятлари ва республика аҳамиятига эга бўлган мустақил корхоналарнинг бошқа бирлашмалари, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган, тармоқ, ҳудудий ёки бошқа принциплар бўйича биргаликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва юритиш, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, тегишли давлат органларида ва бошқа органларда уларнинг умумий манфаатларини ифодалаш мақсадида ташкил этилган бошқа бирлашмалар ҳисобланади».

Нега энди бундай бирлашмалар туманлар ҳокимиятларида эмас, Адлия вазирлиги ва унинг вилоятлардаги бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади? Чунки масаланинг ана шундай қўйилишининг ўзиёқ бундай идораларнинг умум мамлакат миқёсидагилигидан далолат беради.

Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлардаги хўжалик бирлашмалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят ҳокимликлари адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтадилар. Назарий жиҳатдан хўжалик бирлашмаларининг тузилиш, фаолият кўрсатиш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 12-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, хўжалик бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»нинг 77-моддасига ва «Корхоналар тўғрисида»ги Қонунлар асосида тартибга солинади. Шунингдек, бирлашманинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига, яъни уставининг тузилишига қараб «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Қонунлар асосида ҳам тартибга солиниши мумкин.

Маълумки, хўжалик бирлашмалари ҳуқуқий шакли жиҳатидан юридик шахсдир. У Фуқаролик Кодексининг 43-моддасида белгиланган тартибда устав ва таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Бирлашманинг таъсис шартномаси таъсисчилар томонидан тузилади ва имзоланади, устави эса тасдиқланади. Хўжалик бирлашмасининг уставида унинг номи, жойлашган ери, бошқариш тартибини белгилаб қўйилиши, бирлашманинг фаолият турлари ва тугатилиш тартиби кўрсатилиши керак. Ушбу Кодекснинг 77-моддасига биноан юридик шахслар ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар шаклида бирлашмалар тузишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Лекин бундай уюшма ёки хўжалик бирлашмаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлса, ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини Қонунда белгиланган тартибда хўжалик ширкатига ёки жамиятига айлантирилиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги «Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги Низомнинг 4-бандига асосан хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар, яъни хўжалик бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза, таъсис шартномаси ва уставини қабул қилинганлиги тўғрисида йиғилиш баёни, таъсис шартнома ва уставнинг нотариал тасдиқланган нусхалари, товар белгиси, янгидан ташкил этилаётган хўжалик бирлашмаси учун, агар унинг ишлаб чиқариш фаолиятига ер участкаси талаб этилса, ердан фойдаланувчининг розилик хати, табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маълумотномаси, давлат рўйхатидан ўтказиш учун энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов қоғозлари талаб қилинади.

Бирлашманинг таъсис ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганда ёки хўжалик бирлашмаси қайта ташкил этилганда уни қайта рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади. Бунинг учун рўйхатга олувчи органга рўйхатга олиш учун тўланган суммани ярми ундирилади. Қайта рўйхатга олинган бирлашмага қайта рўйхатга олинган баённомадан кўчирма берилади. Адлия вазирлиги рўйхатга олувчи орган сифатида хўжалик бирлашмалари томонидан ўзларининг таъсис шартномалари ва уставларига риоя этишлари устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик бирлашмалари қайта ташкил этилган ёки уларнинг тузилмасида, шунингдек, фаолият турларида ўзгартиришлар юз берган тақдирда, улар бир ҳафта муддатда рўйхатдан ўтказган органга қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Шоди МАМАТОВ,
Адлия вазирлиги
бошқармасининг
етакчи маслаҳатчиси

Tahrirsiz xat

ИНСОФГА КЕЛАРМИКАН?

Ҳурматли «Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти! Мен Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги Хайрихон Эргашева номли жамоа хўжалигида яшайман, касбим бўйича ҳамшираман. Сизларга мактуб ёзишимга сабаб, менинг шахсий ҳаётимда содир бўлиб турган кўнгилсизликлардир.

1997 йилда бўлиб ўтган Илҳомжон Нозимов билан иккимизнинг тўйимиздан сўнгги хушнуд дамлар узоққа чўзилмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у мени хўрлайдиган, урадиган одатлар чиқарди. Касбим тақозоси билан беморларга қарашим керак. У бўлса асоссиз ҳолда рашк қиларди. Охири оиламизни ҳам барбод қилди. Онамнинг уйидан туғуруқхонага кетдим.

Мен гўдак бола билан жуда қийналдим. Отаси Илҳомжон эса ФҲДЁ ҳужжати ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани туғуруқхонага келтириб берди, холос. Ундан бошқа ҳеч қандай ёрдам кўрмадим.

Қизим нимжон туғилгани учун уни гўдаклар озуқаси «Кичкинтой»га ўргатган эдим. Ҳозирда болам 9 ойлик бўлди. Эндиликдан «Кичкинтой»дан кўпроқ харид қилишга тўғри келаяпти. Илҳомжондан ёрдам сўраб борсам, икки марта 300 сўмдан пул берди, холос. Ваҳоланки, битта «Кичкинтой» 500 сўм туради. Қизимга бир ойда 5 та «Кичкинтой» керак.

Хуллас, мен алимент талаб қилиб судга қатнайвериб чарчадим. Ҳамма учун баробар бўлган қонуннинг негадир Илҳомжонга кучи етмаяпти.

Гулмира НИЗОМОВА

ТАҲРИРИЯТДАН: *Ҳурматли Гулмирахон! Бизга умид билан мактуб йўллабсиз, ҳаммага ҳам айтилавермайдиган дардларингизни тўкиб солибсиз. Биз сизни тушундик, ҳозирги аҳволда сизга бағрикенглик, сабр-қаноат, бардош нақадар зарурлигини ҳис қилдик. Гулдай оилангизнинг бузилиш арафасида экалигидан афсус чекдик. Шу ўринда Илҳомжондан ўтган хатолар билан бирдек, балки баъзи ўринларда сиздан ҳам ўтганмикан, деган хаёлга ҳам бордик.*

Гулмира! Сиз яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўринг, агар сиздан ҳам айб ўтган жойлари бўлса, балки оилангизни тиклаш учун имкон топарсиз. Шояд шундай бўлса. Биз эса сизнинг шикоятингизга жавобни Балиқчи туманида фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларининг мутасаддиларидан кутиб қоламиз.

Mehr, oqibat va odamlar

ҚЎШНИНГНИ ЎҒРИ ТУТМА

Икки кундан бери шиғалаб ёғаётган ёмғир кўпчиликнинг жонига тегиб кетди. Мастурани-ку асти қўяверасиз. Ўзи азалдан ёмғирли кунни жини суймайди. Бунинг устига ҳозирда бошига ташвиш тушиб турибди. У деразадан шилтаси чиқиб кетган ҳовли саҳнига назар ташларкан, худди кимдир юраги устига оғир тош бостириб қўйгандек сезди ўзини.

Халқда: «Ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан ўзи асрасин», деган гап бекорга чиқмаган. Мана, Мастура ҳам туҳмат балосига учраб, кўрарини кўриб ўтирибди. Тағин кимдан, ён қўшниси, жон қўшнисидан.

Эшик очилиб-ёпилгандай бўлди. Мастура бошини кўтарди. Шумшайиб қараб турган ўғлига кўзи тушди-ю, тутоқиб кетди.

- Ҳа, нега бўзраяпсан? Асли сен яхши бўлганингда бу кунларга қолмасдим. Ўғри бўлмай, ҳар нарса бўлгур, нима деди мелиса?

- Нима дерди, сўрайди, қийнайди, бўйнингга ол дейди. Нимани бўйнимга оламан? Шу Розия опанинг ҳовлисида қўйи борлигиниям билганим йўқ. Қаердан биламан, унинг қўйи қаёққа кетганини? Нима, энди кимнинг нимаси йўқолса мен ўғирлаган бўлавераманми?

- Ҳа-да! Сен бир мартага ўғри деган ном олдинг, шунинг учун энди ҳамма сендан гумон қилаверади-да.

- Ахир, ўшандаям англашилмовчилик бўлган эди. Ўша товуқнинг эгаси кимлигини билмай кўтариб келганман аслида. У пайтда ёш бўлганим учун сизларга қарши тузукроқ гап ҳам топиб беролмаганман.

- Менга қара, ёш бўлиб нечида эдинг, ўн беш ёш кичкина ёш эмас...

- Ҳа, бўпти, икки йил олдинги гап-сўзларни ковлайвермайлик. Лекин бу гал қўшнингизнинг қўйи йўқолгани-ю, уларнинг мендан гумон қилишаётгани роса алам қилаяпти-да, ойи, анави мелисани айтмайсизми, нақ қон қилиб юборди. Бўйнингга оласан, дейди, вассалом. Нимани оламан бўйнимга? Қўшнингизам югуриб мелисага борганини қаранг, олдин атрофдан бундоқ сўраб-суриштиришсин, балки топилиб қолар.

- Нариги ён қўшниси қишлоққа кетган. Уйида ҳеч ким йўқ. Қолган ҳаммадан сўрадик, йўқ! Ё осмонга учган, ё ерга кирган бўлади, агар кимдир ўғирламаган бўлса, билдингми?

- Ҳа, билдим, шунинг учун энди мен ўғри бўлишим керакми?

Мастура уф тортди. Гапиришга энди ҳоли ҳам етмади шекилли, паст оҳангда «ким билади дейсан, болам, сендан гумон қилиб ўтиришибди-ку», деб қўяқолди. Ўғли чиқиб кетгач, яна ўз ёғига қоврилиб ўтирди. «Бир инсон иккинчи бир инсон учун жумбоқ», деганлари ҳам рост экан-да. Ён қўшниси Розиянинг гумони балки нотўғридир. Қани энди шундай бўлиб чиқса.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. Розиянинг нариги ён қўшниси қишлоқдан қайтиб келди. Айвонда турган ярим қоп арпани еб, бўкиб ўлиб ётган қўйни кўрди. Қўшнига хабар қилди. Қўйнинг қандай қилиб қўшни ҳовлига ўтиб қолгани ҳам аниқланди. Ҳовли саҳнларининг паст тарафи симтўр билан ажратиб қўйилган эди. Йиллар ўтиб бўшашган ўша симтўрдан куч билан ҳаракат қилган қўй бемалол ўта оларди.

Мастуранинг қўшниси изза бўлиб қолди. Ўғлини «бўйнингга оласан» дея кўп қийнаган милиция ходими ҳам кечирим сўради. Шу билан гўё икки-уч кун ичида ҳаммаёқни алғов-далғов қилган машмашали ҳодиса тугагандек эди...

Дунёда аёл зоти борки, ҳамиша меҳрга, муҳаббатга, ҳеч бўлмаганда илтифоту озгина эътиборга илҳақ яшайди. Розия ҳам ана шундай аёлларнинг бири эди. Унга бундай камёб туйғуларни ва бунга қўшиб яна қўшничилик оқибатларини Мастура кўрсатиб келарди. Ўша нохуш воқеадан кейин Мастура ногоҳ ўғлининг сочларида оқ толаларни кўрди-ю, юраги орқага тортиб кетди. «Жондан азиз кўриб, ардоқлаб юрган қўшним Розиядан топганим шу бўлдими?» дея ич-ичидан ўкинди.

Розия бўлса Мастурани ҳар доимгидек мулойим ва меҳрибон ҳолда кўргиси келади. Аммо...

Салима ҚИЛИЧЕВА

«Inson va qonun» pochtasidan

РАИСДАН ДОД

бир неча киши имзолаган хатда ҳақ ёзилганми ёки туҳматми?

Ҳурматли «Инсон ва қонун»!

Бир неча йил муқаддам жамоа хўжалигимизга янги раис тайинланди.

Хўжаликнинг «Янгиобод» маҳалласида 4000 дан ортиқ аҳоли яшайди. 1220 тонна пахта, 1000 тоннадан зиёд буғдой топширамиз. Бироқ бирор манфаат кўрмаймиз. Ҳатто йиллаб ойлик маошларимизни ололмаймиз. Раиснинг эса парвойи палак.

Президентимизнинг оддий халқ учун жонкуярликлари, чиқараётган Фармон ва қарорларидан руҳланиб, меҳнат қилаяпмиз, лекин натижасидан бахрамаид бўла олмаяпмиз. Раисимизни эса қидириб ҳам тополмаймиз. Мана, яқин икки йилдирки, у кишининг идорасига «қулф урилган», чамаси. Биз баъзи фактларни ёзмоқдамиз:

Кўпдан бери жамоа хўжалигимиз аёллари болалар учун бериладиган нафақасини олишмаган. 1998 йил - Оила йили ҳам ўтди, аҳвол ўзгармади;

1996 йилда 100 тоннадан ошиқ буғдой ифлос, давлат стандартига тўғри келмайди, деб нотўғри чиқим қилинди;

1998 йил Денов ёғ-экстракт заводидан 75 (етмиш беш) тонна-ю, 600 кг. пахта (оқ мой) ёғи келтирилиб, уни раиснинг амакиси Миршоди С.Мўминов номли савдо ҳиссадорлик жамияти раиси Т.Мўминов орқали магазинларга ҳар килограмми 163 сўмдан бериб юборган, яъни халқнинг пулига келган мойни унинг ўзига сотилди. Орадаги фарқ қарийб 9 миллион сўмни ташкил этади. 1996-1997 йилларда олинган мойнинг ҳам тақдири шундай ҳал қилинган эди. Раисимиз бош инженеримиз билан Қашқадарёнинг Камарон деган жойидан 4 та тележка ва 2 дона электронасос сотиб олиб келиб, жамоа хўжалигига кирим қилмай, пуллаб юбордилар.

1300 тонна ўғитнинг тенг ярмини раис бошчилигида йўқ қилдилар;

Жамоа хўжалигининг техникаларини таъмирлаш учун 20 миллион сўм қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди;

Хўжалигимиз 1996-97-98 йилларда давлатга пиёз сотган, даромаддан эса дарак йўқ.

Икки хонали меҳмонхонада ким келиб-кетишини билмаймиз, аммо 340-400 минглаб сўм харажат бор. Бу нима?

1997 йилда хўжалигимизга тола ҳисобидан 6 (олти) дона МТЗ-80 трактори мотори келтирилди. Аммо улар қаергадир сотилиб кетди; уч йилдан бери бирор марта ҳам бошқарув йиғилиши ўтказилмади, аммо «правления» ҳал қиладиган масалалар ҳал бўлиб ётибди.

Муҳтарам газета! Илтимос, арзимизни ошкор этинг, бизга ёрдамга шошилинг, бирор ишкал чиқиши, ярамиз газак олиб кетишининг олдини олинг.

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани «Оқ олтин» жамоа хўжалиги Янгиобод маҳалласи пахтачилик бригадирлари: М.Умбаров, Қ.Жуйруков, Ш.Мирзаев, З.Хидоятов ва бошқалар.

Галлачилик бригадирлари: Н.Болтаев, М.Каримов, М.Ҳолиқов, Т.Розиқовлар;

Механизаторлар: Ч.Шоймардонов ва бошқалар.

Аҳолидан: М.Алмосов ва бошқалар имзолаган.

Tahririyatga hat

МАКТАБДАГИ МОЖАРО

ёхуд муросасизликдан туғилган ташвишлар

Халқда: «Шамол турмаса дарахтнинг учи қимирламайди» деган мақол бор. Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Алишер Навоий номидаги мактаб ўқитувчиси Р.Менгировнинг таҳририятимизга кетма-кет хат ёзиб, ўзи хизмат қилаётган даргоҳда юзага келган носоғлом муҳитдан тегишли жойларни хабардор қилгани, бироқ масъул идораларнинг ўтказган текширишларидан қаноатланмагани баён этилган.

Хат муаллифи биринчи мактубида «мактабдаги чидаб бўлмас муҳит» ҳақида ёзган. Унинг эътироф этишича, «ўқувчилар саккиз кундан ошиқ дарс қолдириб, шартномасиз ўзгаларнинг далаларида ишлатилган», мактаб маъмурияти эса давоматни «дарс ўтилди» дея тўлдирган. Боз устига, мактаб директори С.Абдушукуров жамоада тарафкашлик, қариндошуруғчиликни авж олдирди, дейилади хатда. Хуллас, юзага келган бундай аҳвол ҳақида туман ва вилоят халқ таълимидаги раҳбарлар хабардор қилинади. Одатдагидай, бир қадар совуққонлик ва муросасозлик билан олиб борилган текшир-текширлардан сўнг ниҳоят, мактаб директори С.Абдушукуров нафақага чиқарилади, илмий бўлим мудири Б.Тўраевга ҳайфсан берилади. Айни шу ҳайфсан олган бўлим мудири директор вазифасини бажарувчи этиб тайинланадики, бу масалада хат муаллифининг эътирозига қўшилмай илож йўқ. Наҳотки, бутун бир туманда носоғлом муҳит юзага келган мактаб жамоасини келиштириб, ишларни жой-жойига қўядиган ташкилотчи, қобилиятли кадр топилмаган бўлса?

Р.Менгиров мактубида туман ва вилоят халқ таълими бўлимидан келган текширувчилар мактабда «бузилган маънавий муҳитни кўриб-кўрмасликка олиб кетишгани»ни талай далиллар билан исботлашга уринган. «Ахир, 1998 йил 2 июндан 10 октябргача бир мактабга директор тайинлаш пайсалга солинганлигини, ниҳоят, пахтада рўй берган кўнгилсиз воқеадан кейинги-на ишга келганига 19 кун бўлган одамни директор қилиб тайинлагани, шунда ҳам бу Б.Тўраев манфаатларига мўлжаллаб тайинлангани адолатнинг қайси бир мезонига тўғри келади?» деб ёзади мактуб муаллифи.

Биз ушбу мактубни Республика Халқ таълими вазирлигига йўлладик. Вазирликдан Кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р.Тошматов имзоси билан олинган жавобда «Р.Менгировнинг мазкур мактабда содир этилаётган ножўя ишлар ҳақидаги аризаси вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан муаллиф иштирокида жойида ўрганиб чиқилган»и маълум қилинади. Шунингдек, бу жавобга Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Р.Мусурмоновнинг «Р.Менгировнинг шикоят хатини чуқур таҳлил қилиб» берган маълумотлари ҳам илова қилинган. Модомики, биз юқорида Р.Менгиров мактубидан айрим муҳим ўринларни келтирган эканмиз, энди иккинчи томонга ҳам сўз бериш жоиз.

Р.Мусурмонов маълумотномада шундай ёзади: «Р.Менгировнинг шикояти бир неча марта турли ташкилот ва вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганилган, далиллар ўз исботини топмаган... Р.Менгиров далилларини исбот қилиб беролмаган, натижада жамоа аъзоларининг нафратига учраб, яккаланиб қолган».

Шу ўринда бир изоҳга ҳожат туғилаётир: хўш, Р.Менгировнинг шикоятлари асосланмаган бўлса, нега унга туҳматчи сифатида жазо кўрилмади. Нечун бу шикоят «турли ташкилот ва вилоят ҳокимлиги томонидан» «бир неча марта» ўрганилди экан? Бу саволларга Р.Мусурмонов имзолаган шу хатнинг ўзидан жавоб топса бўлади: «Шу йилнинг октябр ойида юқори синф ўқувчилари пахта йиғимтеримига жалб қилинганда икки нафар ўқувчи ўртасидаги жанжал биринг ўлими билан тугайди. Натижада мактаб директори вазифасини бажарувчи Б.Тўраев вазифасидан озод қилинади-ю, ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида қолдирилади».

Демак, биз оз бўлмаса туҳматчига чиқараёзган Р.Менгировнинг фарёдида жон бор экан-да. Боз устига «шикоятчи» ўз арз-доди билан халқ таълим раҳбарларига Б.Тўраев бир пайтда икки раҳбарлик вазифасини бажариб келаётганини маълум қилибди-да! Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ахир, Р.Мусурмоновнинг ўзи ҳам тан олганидек, «Р.Менгировнинг шу ўринда эътирози тўғри, Б.Тўраев директор ўринбосари лавозимидан ҳам бўшатилиши лозим эди. Охирги текширишдан кейин Б.Тўраев вазифасидан озод қилишни сўраб ариза берди ва аризаси қондирилди».

Ҳарқалай, Р.Менгировнинг шикоятлари нима учун «турли ташкилот»лар томонидан «бир неча марта» текширилгани аён бўлаётир. Бизнингча, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошлиғи Р.Мусурмонов «шикоятчи» ўқитувчидан хафа бўлиши ноўрин. Афсуски, Р.Мусурмонов жавоб хатида: «Р.Менгиров ўзини ҳақиқатгўй қилиб кўрсатишга уринса-да, умуман, мактаб педагогик жамоасини менсимайди, нотинчликни келтириб чиқаришга уринади ва шу билан магрурланади», деган фикрларига бирор-бир аниқ факт, далил келтирмайди.

Бу билан биз Р.Менгировни қаҳрамон, демоқчи эмасмиз. Беайб ёлғиз Парвардигор, деган ҳикмат бор. Бироқ модомики, ўша мактабда носоғлом вазият юзага келган экан, бу ҳақда вақтида хабар қилинган экан, гинаҳонликни йиғиштириб қўйиб, биринчи галда жамоада соғлом муҳитни қарор топтириш керак эди. Қайта-қайта «текшир-текшир», «ёзёз»ларга ҳам шунда ҳожат қолмасди.

Халқимиз азалдан ҳар қандай вазиятда низоларни босиқлик билан, меҳр-оқибатни ўйлаб, азалий урф-одатларга, одамгарчиликка риоя қилган ҳолда бартараф этган. Кескин муросасизликка бориш, бировни ёмонотлиқ қилиб четга суриб ташлаш бизга ёт одат. Шу боис халқимиз: «Бўладиган эл бир-бирини ботирим, дейди» қабилида ҳикматлар яратган. Муросага бориб, ҳамжиҳат бўлиб адолат юзасидан иш кўрилса, Қамаши туманидаги Алишер Навоий номидаги мактабда юзага келган аҳволни яхшилаш осон кечишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Биз келгуси авлод тарбиясига масъул кишилар ҳеч қачон ўзларига юклатилган муқаддас вазифани ёддан чиқармасликларини, ҳар бир ишда адолатни мезон қилиб олишларини истаб қоламиз.

ТАҲРИРИЯТ

ТАДБИРКОР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Bugunning talabi

Мамлакатимизда халқ хўжалигини бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишнинг кенг қамровли дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Республикамиз Конституциясининг 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади», деб таъкидланганидек, мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт вужудга келмоқда.

Мамлакатимизнинг асосий қонунида мустаҳкамлаб қўйилган ушбу модда иқтисодиётнинг янги йўналишларини яратиш заруратини туғдирди. Шу боис Президентимиз И.Каримов бошчилигидаги республика ҳукумати халқ хўжалигида кескин бурилиши ясаш ва иқтисодиётни эркин бозор муносабатлари шароитида тўлақонли ишлай олишини таъминлайдиган ҳуқуқий базани яратиш борасида самарали тадбирларни амалга оширди.

Мана шу тариқа катта амалий ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида», «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» каби қатор қонунлар қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонлари мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлди.

Ушбу Фармонлар билан адлия органларига тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, умуман, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш юклатилган.

Мана шу масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқий малакасини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Бошқарманинг масъул ходимлари томонидан «Тадбиркорга мададкор» номли ҳуқуқий қўлланма тайёрланиб, 3 минг нусхада чоп этилди ва барча шаҳар, туман ҳокимликлари ҳамда тадбиркорлар уюшмаларига етказиб берилди. Мазкур қўлланмада кичик ва хусусий корхоналар, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ҳамда ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ деярли барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонун ҳужжатлари асосида ёритиб берилди. Бундан ташқари оммавий ахборот воситаларида тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари мунтазам равишда тушунтирилиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимлигининг адлия бошқармаси ўз ваколатлари доирасида жойларда тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларига қандай риоя этилаётганлиги устидан доимий равишда текширишлар ўтказиб келмоқда. Текширишлар натижасида шу нарса аён бўлиб қолаяптики, айрим шаҳар ва туманларда баъзи мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари поймол этилмоқда. Ҳатто тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш учун масъул бўлган баъзи бир туманлар ҳокимликларининг ўзлари ҳам тадбиркорлар ва тадбиркорлик шаклларини давлат рўйхатига олиш, уларнинг қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланишларига қатор тўсиқларни вужудга келтирмоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳар Сиёб туман ҳокимининг фармойиши билан юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларни давлат рўйхатига олиш «комиссияси» тузилиб, тадбиркорларнинг рўйхатдан ўтиш масаласи аввал ушбу комиссия мажлисида кўриб чиқилиб, сўнгра туман ҳокимига бу ҳақдаги таклифлар киритилиш амалиёти жорий қилинган. Бундай «амалиёт» эса ўз навбатида тадбиркорлар учун ортиқча сансоларлик ва оворагарчиликни келтириб чиқарган.

Адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимнома асосида туман ҳокимининг мазкур фармойиши бекор қилиниб, юридик шахсни ташкил этмай тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган фуқароларни давлат рўйхатига олиш жараёни қонунларга мослаштирилди.

Булунғур туманидаги «Оқтепа» кичик корхонасининг директори Г.Бойбеков вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, ушбу кичик корхонанинг мулки ўзбекистонган иссиқхона (теплица) ҳеч қанақа олди-сотди шартномаси тузилмаган ва кичик корхонанинг розилиги олинмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Самарқанд вилояти бўйича ҳудудий бошқармасининг 1996 йил 26 мартдаги 360-«П» сонли буйруғи билан Самарқанд шаҳрида жойлашган мустақил юридик шахс ҳисобланган «Оқтепа-С» хусусий корхонасига бериб юборилган. Хусусий корхона иссиқхона мулки учун мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 005960 № 324 рақамли давлат ордерини ҳам олганлигини баён этиб, ўзининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни сўраган эди.

Бошқарма ходимлари томонидан ушбу масала ўрганиб чиқилиб, ҳақиқатан ҳам «Ўздавлатмулк» вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқлари эътиборга олинмасдан иссиқхона «Оқтепа-С» хусусий корхонасига ғайриқонуний равишда бериб юборилганлиги аниқланди.

Шу муносабат билан киритилган тақдимномага биноан «Ўздавлатмулк» ҳудудий бошқармаси юқорида қайд этилган буйруғини бекор қилди. Адлия бошқармасининг даъво аризасига асосан вилоят хўжалик суди «Оқтепа-С» хусусий корхонасига берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини ҳақиқий эмас, деб топди.

Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 13-бандида «Ҳокимликлар ва юқори бошқарув органлари томонидан, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, мўассасалар ва ташкилотларнинг молиявий ва хўжалик фаолиятига ҳар қандай аралашишга йўл қўйилмайди» дейилганига қарамасдан, Нуробод туман ҳокимининг 1996 йил 23 октябрдаги фармойиши билан 8 кишидан иборат таркибда комиссия тузилиб, хусусийлаштирилган туман чорва молларини тайёрлаш жамоа корхонасининг молия-хўжалик фаолияти текширилиб чиқилган.

Адлия бошқармаси бундай ноқонуний ҳолатларга келгусида тақроран йўл қўйилмаслиги чораларини кўриш ҳақида туман ҳокими ва «Самарқандгўштсутсаноат» уюшмаси раҳбарияти номига тақдимномалар киритди. Бироқ туман ҳокимлиги ҳалигача жавоб бергани йўқ.

Каттақўрғон ва Челак ҳокимликлари томонидан тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг жиддий равишда бузилишига, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига йўл қўйилган. Жумладан, Каттақўрғон туман ҳокимлиги томонидан юздан ортиқ деҳқон ва фермер хўжалигига ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат акти, шу хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши қарори бўлмаса-да, улар ҳисобидаги ер майдонлари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига ва жамоа хўжаликларининг манфаатларига зид ҳолда бериб юборилган.

Қўчқор ТОҒАЕВ,
Самарқанд вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг бошлиғи

50-dovon

ЗОИРЖОН, ҲОРМАНГ БИРОДАР!

1949 йил боши. Дунёни ағдар-тўнтар қилиб юборган қирғинбарот уруш асоратлари дахлдор минтақалар ҳудудларда кезиб юрган, нон «ширин» пайтлар. Одамлар фашизм таҳдиди ечимини ортга суриб қўйган муаммолар оқибатида вужудга келган кемтикларни ямаш билан банд. Жумладан, оилалар... Пастдарғом туманининг «Беклар» қишлоғилик 34 яшар деҳқон йигит - Абдуфаттоҳ баҳор тафти тега бошлаган тонгларидан бирида 14 февраль саҳарида шодон ҳайқириғи билан қишлоқ аҳлини оёққа турғазди. Шодлигидан пойафзалини кийишни ҳам унутиб, оёқяланг кўча саҳнига отилиб чиққан йигитнинг бўғзидан отилиб чиққан садо атрофга таралди:

- Халойиқ, Яратган менга ўғил ато этди!..

Очиқ қолган эшикдан ота ҳайқириғига ҳамоҳанг мунғайиб турган лойсувоқ уйни яшнатиб, чақалоқнинг ширин йиғиси атрофга таралди.

Оилада тўнғич ўғил - Зоиржон дунёга очиқ кўз билан қараган дастлабки тонгини ана шундай қаршилаган эди. Олдида эса эҳ-ҳе...

Ҳа, оз эмас, кўп эмас нақ ярим аср вақт ўтиб кетибди.

Зоиржоннинг болалиги қишлоқда ўтди. Эсини танибдики, отаси ёнида ёрдамчи. Ахир, у тўнғич ўғил-да! Ортидан ука-сингиллари ўсаяпти. Унинг мурғак вужуди меҳнатда чиниқди. Дала, чорва, пахта, ўтин, молларга емиш... Қишлоқ болалари билан чўп от миниб, кўча чангитишга хоҳиш бору вақт... У 1966 йилда қишлоқдаги ўрта мактабни битирди. Орзулари беҳад эди. Ўқиш, олим бўлиш... Йўқ, дастлаб имкониятлар мақсадларга ҳамоҳанг келмади. Оиладаги етишмовчиликлар тўсиқ бўлди. Зоир ўз қишлоғида трактор рулига ўтирди. 2 йил пўлат отни ўйнатиб, дадасига мадад, 6 нафар укаларига ҳомийлик қилди. Сўнг йигитлик бурчи - ҳарбий хизматга жўнаб кетди. Уйга қайтгач, яна ташвишлар... Тенгдошларининг баъзилари олий ўқув даргоҳларида таълим олишар, айримлари битириб келиб, «каттакон»ларга айланишган, «ғоз» юришарди. Балким шу даврларда кўрганкечирганлари унинг қалбига адолат, ҳуқуқ ҳимоячиси касбини эгаллаш ҳиссини уйғотгандир. Укалари «ўз арава»сини тортиб бошлади. Салгина имконият туғилгандай бўлди. Зоир Тошкентга жўнади.

1972 йилда Тошкент Давлат юридик университети ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Аммо олдинда яна оғир синовлар бор экан. Бир йил ўтмасдан отаси Абдуфаттоҳ ака вафот этди. Юк катта фарзанд - Зоиржоннинг бўйнига ортилди. У ўқишни кечки бўлимда давом эттириб, қурилишда ишлай бошлади. Болалари боқувида қолган ёлғиз она - Зулайхо опага ёрдамим тегсин дерди-да! 1975 йилдан бошлаб Пастдарғом туман қишлоқ хўжалик бошқармасида юрист, 1978 йилда диплом қўлига теккач эса нотариус бўлиб ишлай бошлади.

Ҳалол меҳнат, тиришқоқлик ва мунтазам мақсад сари интилишлар Зоиржонни халқ «оғзига» туширди. 1980 йилда Большевик (ҳозирги Гўзалкент) тумани аҳли кўплаб номзодлар орасидан уни халқ суди раислигига танлади. Энди унинг ҳар бир қадами, чизган қалами, айтган сўзи одамлар нигоҳида эди. Адолат тарозусини тенг тортмаса, оёғи «тойиб» кетиши тайин...

Пасангини бузмаган Зоиржон Алиев 1986 йилда Самарқанд вилоят суди судьяси, 1989 йилда Жомбой туман суди раиси, 1991 йилда Пастдарғом туман суди судьяси, 1995 йилда Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларига лойиқ кўрилди. 1997 йилдан бошлаб эса фахрли ва масъул лавозим - Жиззах вилоят судининг раислиги «курси»сини қабул қилиб олди. Бу даргоҳда аравани тортавериб, мана бугун 50 ёшга кирганини сезмай қолибди.

Зоиржон Алиевнинг сиртдан қараганда равон кўринган ҳаёт ва меҳнат йўлида нималар бўлмади, дейсиз. Ҳа, одамлар ташвиши билан яшаш, жабрланганнинг руҳини англаш, қонунбузарга муросасиз бўлиш ўз йўлига. 24 ёшида отадан, 44 ёшида онадан ажралди, укаларини оёққа қўйишда жонсарак бўлди, уйлантирди, ўқитди, сингилларини узатди, уйланди. Суюкли Шарофати билан 4 қиз, 2 та ўғилни тарбиялаб вояга етказаяпти. «Советлар» билан хайрлашди, Ватан мустақиллигини интиқиб-энтиқиб кутиб олди, қонун, адолат, инсонийлик, иймон ва оқибат дея хизматда...

Таваллуд кунингизда Зоиржон ака, «Ҳеч қачон ҳорманг, биродар» деймиз, холос...

Абдил ТЎХТАШЕВ,
Файзулла ҚИЛИЧЕВ



Тангрим берган қувончимсан, болажон!

ХАЛҚ ОРАСИДА

Бухоро вилоят прокуратураси раҳбарияти туманлардаги меҳнат жамоаларида аҳоли билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиб, баъзи муаммоларни ўз вақтида ечишга кўмаклашмоқдалар. Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Ю.Абдукаримов Пешку туман прокуратурасида аризачи ва шикоятчилар билан учрашиб, уларга амалий ёрдам берди.

Фуқароларга, электр тармоқлари, «Пахтабанк», солиқ идораси, Меҳнат биржаси раҳбарларига йўл-йўриқлар кўрсатди. Озиқ-овқат маҳсулотларини савдога чиқариш, пул эмиссияси, аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизлар сонини камайтириш, дебитор-кредитор қарзлар, касалхоналарга кўрсатилаётган тиббий ёрдам аҳволи билан қизиқди.

Учрашувда Пешку туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси И.Ёрмуҳамедов, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси М.Муҳаммедовлар иштирок этишди.

Рашид АСЛОНОВ

Vohkim!

НАМОЗХОН КУЁВНИНГ ҚАҲРИ

...фожиага олиб келди. Оқибатда ёш оила хазон бўлди

Охунбобоев туманига қарашли Шаҳартепа қишлоғида яшовчи Ваҳоб Ҳакимов тақдир тақозосига кўра тошлоқлик Саломатхонга уйланди. Умид билан бир ёстиққа бош қўйдилар. Келин-куёвнинг асал ойи тугамасдан, Саломатхон эрига бир куни нозланиб, бу хонадонда яшай олмаслигини, тезроқ бу ердан кўчиб, ўзининг ота-онасиникида улар билан бирга яшашлигини таклиф қилди ва ўз сўзида туриб олди. Шундай бўлди ҳам.

Қайнона-қайнотаси Ваҳобжоннинг ҳурматини жойига қўйишди. Куёв бола бирор жойда ишламаса ҳам, қўлидан таҳорат чойнаги тушмас, беш вақт намозни канда қилмас эди. Саломатнинг ота-онаси «Куёвимиз мўминқобил йигит экан, қизимизга мос жуфт-ҳалол топилди» деб хурсанд бўлишди. Ваҳобжон кўринар кўзга дастлаб ана шундай ўзини ҳалоли-пок, намозхон қилиб кўрсатиб юрди. Қарасаки, текин овқат, текин иссиқ жой, энди аввалги эски ҳунарини бошласа ҳам бўлади.

Унинг аввалги ҳунарларидан бири кайф-сафо қилиш эди. Ҳар куни ароқ-вино ичиб келадиган одат чиқарди. Кўни-қўшниларга куёви ҳақида илиқ сўзлар айтишиб, мақтаниб юришган қайнона билан қайнота тилларини тишлашди.

Бирор нарса дейишга ҳам ҳайрон эдилар, чунки куёвни пайғамбарлар ҳам сийлашган. Уни устига қизларининг иккинчи рўзғори. Куёвга бирор қаттиқ сўз айтиб юборишса, яна қизларининг рўзғори бузилиб кетиши мумкин.

1998 йилнинг апрел ойи. Ваҳобжон маст ҳолда елкасига костюмини ташлаб, Марғилон бозорларини айланиб, кўнгил ёзмоқчи бўлди.

Бозор тўла қиз-жувонлар, пештахта усти турли-туман ҳар хил моллар билан тўла. Шу пайт Ваҳобжон бир-бири билан суҳбат қуриб, атрофга бефарқ бўлиб турган икки сотувчи аёлга кўзи тушди.

Шайтон васвасаси устун келди, атрофга олазарак қаради, ҳамма ўзи билан ўзи овора. У қўлини пештахта устига ёйиб қўйилган аёллар ички кийимига чўзди. Нариги томонда Ваҳобжонни чой ичиб, кузатиб ўтирган бошқа сотувчи аёлнинг «Ўғрини ушланглар» деган қаттиқ қичқириғи ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Шошиб қолган Ваҳобжон костюмини пештахта устида қолдириб, қўлидаги ички кийим билан оломон ичига ўзини урди, бозор ичида ур-тўполон, ушла-ушла бўлиб кетди. Қарасаки, аҳвол оғир. Қўлидаги ўғирлик нарсани ташлаб зўрға қочиб қутилиб қолди.

Бир ой ўтар-ўтмас дадаси чақириб келди. Ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг ўзи билан бирга фуқаролар йиғинидаги паспорт бўлимидан одам келиб сени сўраяпти, деб қолди.

Бу хабарни дадасидан эшитган Ваҳобжоннинг ранги ўзгарди, ўзини беҳол сезди, чунки костюмни сотувчининг олдида қолдирган эди-да. Мен ҳозир чиқаман деганича ҳовли томондан, бошқа томонга ўтиб кетди.

Паспорт бўлимидан келган одам кута-кута зерикиб, уйдагиларига, эртага фуқаролар йиғинига етиб боришлигини тайинлаб кетишдан бошқа иложини тополмади.

Ўша куни куёв бола маст ҳолда, хўрозлар тонгни қаршилаб қичқира бошлаганда уйига келди. Бугун хотини ҳар кунгидан ҳам гўзалроқ кўринди. Лекин эридан келаётган бадбўй ҳидданми ёки ўзининг истаги бўлмаганиданми, хуллас, аёл унинг истагини қатъий рад этади, натижада ўртада жанжал бошланади. Барибир Саломат ўз сўзида туриб олди. Қаҳр отига минган Ваҳобжон михла илиб қўйилган пичоғини олиб, хотинининг устига ташланди ва унинг 2-3 жойига пичоқ уришга улгурди.

Хотини ҳолдан тойиб йиқилгандан кейин ўзига ҳам пичоқ урди. Одам ўзига пичоқни ўзгаларга ургандай ура олмайди, шу сабаблими тирик қолди.

Саломатнинг ота-онасини иккинчи марта ҳам оғзи куйди, куйганда ҳам тузалмайдиган бўлиб куйди. Бир умр фарзанд доғида ўтадиган бўлишди.

Ваҳобжонга нима деймиз, илгари бир марта судланган бўлса, яхши хотин, текин овқат, иссиқ жойга ношукрлик қилди. Одил суд ўз ёстиқдошининг қотилига айланган Ваҳобжонга нисбатан қонуний жазо тайинлаши турган гап.

Эрдавлат ОДИЛОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahririyatga xat

КИМ АЙБДОР?

Мен иккинчи гуруҳ ногиронман. Оладиган нафақам ўзимга керакли дори-дармондан ортмайди. Хотиним Шакарой Назарова 1998 йил 12 январда чақалоқли бўлди. Боламизга 1650 сўм нафақа, хотинимга 22 минг сўм атрофида ҳомиладорлик пули белгиланган. Мартда 1500 сўмни зўрға олдик. Моддий томондан қийналгач, хотиним июн ойида туман ҳокимлигига арз қилди. Натижада унинг ҳомиладорлик нафақасидан 5 минг сўм халқ банкига ўтказилди. Бу орада мен касалхонага тушиб қолдим. Хотиним пулини олиш учун арз қилмаган жойи қолмади. Ниҳоят, у Бухоро вилоят прокуратурасига ва хотин-қизлар қўмитасига хат ёзиб, ёрдам сўрагачгина, жами 3 минг сўм олди, холос.

Жамоа хўжалигимиз аъзолари меҳнаткаш инсонлар. Уларнинг тер тўкиб ишлашлари эвазига пилла ва пахта тайёрлаш режалари доимо бажарилмоқда. Лекин меҳнат ҳақимизни ололмай, сарсон бўлишимиз бизни «Инсон ва қонун»га хат йўллашга мажбур қилди. Ахир, бизнинг бунчалик қийналишимизда ким айбдор?

Деҳқонбой ЎРИНОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Д.Ўринованинг арзи юзасидан, аввало, Ғиждувон туман С.Айний номли жамоа хўжалиги раиси Баҳодир Облоқулов, қолаверса, туман, вилоят ҳуқуқ-тартибот, иқтисодий таъминот идораларида фаолият кўрсатаётган мутасаддилар аниқ чора-тадбир кўрадилар ва бизга хабар қиладилар, деган умиддамиз.

Targ'ibot

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури» ҳамда Адлия вазирлигининг мазкур дастурни амалга оширишни янада яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий онги шаклланиши жараёнини тезлаштириш, қонунларни кенг тарғиб этиш ва адлия қуйи тизимлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни воқиф қилиб туришни таъминлаш борасидаги кўрсатмаларига биноан вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган йили бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи» минтақавий бўлими, унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари ҳамда бошқарма ходимлари томонидан жами 1136 (академик) соат ҳуқуқий мавзудаги давра суҳбатлари, маъруза ва учрашувлар ўтказилди, бевосита ҳуқуқий мавзуга оид кўрсатув, эшиттиришлар тайёрланди ҳамда газеталарда чиқишлар ташкил этилди.

Бу борада вилоятнинг шаҳар ва туман судлари, ФҲДЁ ва мухрдорлик бўлимлари томонидан «Никоҳ ва оила», «Оила жамият устуни», «Ватан остонадан бошланади», «Ўзбекистонда никоҳ ва оила қонунчилиги», «Оила ва маҳалла», «Оила ва ҳуқуқ», «Аёл ва ҳуқуқ», «Ўсмир ва қонун», «Жиноят ва жазо», «Оталик бурчини унутганлар», «Гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари», «Оила — жамият кўрки», «Аёлнинг ҳуқуқ ва вазифалари», «Хотиржам оила давлат бойлиги», «Оила мулки» мавзуларида қизиқарли маърузалар, учрашувлар, бадиий кечалар, танлов ва давра суҳбатлари, шунингдек, ўрта ва махсус таълим даргоҳларида юқори синф ўқувчилари ўртасида «Давлат ва ҳуқуқ фани»дан дарслар ўтказилди.

Масалан, Олмалиқ шаҳар суди томонидан шаҳардаги мактабларда жами 52 та маъруза ва суҳбат ўтказилди. 79 та сайёр суд мажлислари ўтказилиб, маҳалла, ташкилот ва муассасалар-да 80 дан ортиқ маъруза ва суҳбатлар ташкил этилди.

Юқоричирчиқ туман, Чиноз туман судлари ходимларининг хизматини юқори баҳолаш мумкин. Суд раиси Б.Рустамов туман ҳалқ таълими бўлими, прокуратура, ички ишлар бўлими, адвокатлар ҳайъати ходимлари билан биргаликда ҳар чорак учун тузилган иш режаси асосида тумандаги 17 та умумтаълим муассасаларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан дарслар ўтмоқда. Шу билан бирга тумандаги иқтидорли ёшлар мактаб-лицейи ўқувчиларини «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловига тайёрламоқдалар.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури»ни бажаришда, уни ҳаётга тадбиқ этишда вилоятнинг барча ФҲДЁ бўлимлари жуда фаол иштирок этмоқдалар.

Оққўрғон туман ФҲДЁ бўлими мудираси Х.Назарова, туман хотин-қизлар қўмитаси ва ҳомий ташкилотлар билан биргаликда тумандаги «Султонобод» жамоа хўжалигида яшовчи, ота-онасиз қолган Соҳиба Омонова ва Шерзод Бобоқуловларнинг никоҳ тўйларини ҳамда тумандаги кам таъминланган оилалардаги 4 нафар боланинг суннат тўйларини ўтказдилар.

Вилоятнинг Бўстонлиқ туман ФҲДЁ бўлими ходимлари томонидан тумандаги «Хўжакент», «Хумсон» қишлоқ фуқаролар йиғинида ёш келин-куёвлар билан «Никоҳнинг қадри» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, Қибрай ва Тошкент туман ФҲДЁ бўлимлари билан биргаликда Бўстонлиқ тумани қишлоқ фуқаролар йиғинида «Аёллар, келинг, бир суҳбатлашайлик» деб номланган кеча уюштирилди. Қизиқарли учрашувда 20 жуфт келин-куёвлар иштирок этдилар.

Шу билан бирга умумтаълим масканларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан мунтазам равишда дарс ўтиш жараёни вилоятнинг Ангрен, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳар, Зангиота, Паркент, Ўртачирчиқ, Чиноз ва Юқоричирчиқ туман ФҲДЁ ва мухрдорлик бўлимлари томонидан яхши йўлга қўйилган.

Миллий Дастур асосида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан биргаликда ҳам ижобий ва самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят суди судьялари Дастур асосида Республика Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда умумтаълим мактабларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича ўтказилаётган олимпиадаларда ҳайъат аъзолари сифатида фаол қатнашмоқдалар. Вилоят суди судьялари биринчи босқичда кўрилган ва қонуний кучга кирган жиноят ишлари бўйича республикамиз марказий матбуотларида мунтазам равишда мақолалар билан қатнашдилар.

Вилоят прокуратураси ва унинг жойлардаги ходимлари миллий Дастурни бажариш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини ўстириш мақсадида вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш мақсадида умумтаълим муассасаларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан дарс машғулотларини ўтказишга жалб этилганлар. Бу борада вилоятнинг Чиноз, Оққўрғон, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ туман, Оҳангарон, Бекобод шаҳар ҳамда Красногорск прокурорлари фаоллик қилмоқдалар.

Вилоят ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексидаги ёшлар билиб-билмасдан, оқибатини тушунмаслик ёки ўзгалар таъсирида содир этилишига йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган моддалардан иборат деворий плакатлар босмахона орқали чоп этилиб, вилоятнинг шаҳар ва туман ИИБларига юборилган. Бу плакат участка вакиллари, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими нозирлари, қишлоқ фуқаролар кенгаши, мактаблар, ҳунар-техника билим юртларига тарқатилган.

Бундан ташқари вилоят ҳудудларида тезкор вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, турли ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш, оилада содир этилаётган жанжалларни, фарзанд тарбиясига бефарқ қаровчи ота-оналар, қаровсизлик, бедарак йўқолиш, уйдан ўзбошимчалик билан чиқиб кетиш, жиноятларга қўл уриш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида маҳаллалар қошида фахрийлар, намунали оила бошлиқлари, дин арбоблари иштирокида махсус келиштириш комиссияларини, фаоллар йиғинларини ҳар бир маҳалла қошида ташкил этиш бўйича вилоят ҳокимлигига бир қатор таклифлар киритилган.

Бошқармамизнинг жорий йилдаги иш режасида амалдаги қонунчиликни кенг тарғиб қилиш, адлия бошқармаси ва унинг тизимлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни воқиф қилиб туриш белгиланган.

Дилшод ТОЖИБОЕВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

SAYILGOH GURUNGLARI

Дам олиш саҳифаси

ОЛАМШУМУЛ ВАСИЯТ

Нобель ва унинг номидаги мукофот ҳақида

(1- мақола)

Қадимги Римда мусобақаларнинг ғолиблари лавр (дафна) дарахти новдасидан ишланган ва ҳурмат аломатини билдирувчи чамбар билан мукофотланган. Римликлар уларни лауреат деб аташган. Ҳозир ҳам айрим мамлакатларда миллий давлат мукофотлари, шунингдек, халқаро миқёсдаги мукофотлар таъсис этилган. Шулардан бири халқаро Нобель мукофотидир. Альфред Бернхард Нобель 1833 йили Швецияда туғилган. У истеъдодли инженер-физик, кўп тилларни биладиган ва дунёқараши кенг, ўқимишли киши эди. Муҳим илмий тадқиқотлари учун у Лондон Қироллик жамиятига ва швед Фанлар академиясига аъзо қилиб сайланган. Нобель икки марта 1853-1854 ва 1862-1863 йилларда Россияга келган ва бу ерда машҳур рус олимлари билан учрашган. Унинг кашфиётлари кончилик қурилиши ва йўл ишлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, техника соҳасидаги муваффақиятларидан кўра, ўша вақтларда Европадаги энг бой ҳисобланган Альфред Нобелнинг ўлимига яқин ёзган «Васиятнома»си ҳаммани қизиқтириб қўйган эди. Нобель 63 ёшида, 1896 йил 10 декабрида оламдан ўтди. Мотам куни швед газеталари унинг кўплаб фахрий унвонлари-ю, орденларини бирма-бир санаб ўтишди. Дунёнинг қарийб барча мамлакатларида Нобель барпо этган тўқсондан зиёд йирик саноат корхоналари, унинг Шотландия, Швецария, Италиядаги ва Франциядаги ер-мулклари, шунингдек, Цюрих, Лондон, Вена банкларида сақланаётган қимматбаҳо қоғозлари энди кимларга тегиши ҳаммани қизиқтириб қўйганди. Меросхўрлар ҳам, матбуот ҳам ташвишда: эл-юрт «Васиятнома»нинг эълон қилинишини сабрсизлик билан кутарди. Ниҳоят, «Васиятнома» эълон қилинди: «Мен кўйида имзо чекувчи Альфред Бернхард Нобель, пухта ўйланган фикр-мулоҳазалардан кейин шуни маълум қиламанки,.. мендан кейин қоладиган жамики мол-дунё васийим томонидан ишончли қоғозга туширилиши лозим ва у менинг номимдаги фондни ташкил қилиши кеарк, ундан олинадиган процентлар инсониятга энг катта фойда келтирган кишиларга ҳар йили мукофот тариқасида тақсимланади. Асосий фонддан олинадиган фоизлар беш қисмга бўлиниб; бир қисми физика соҳасида энг муҳим кашфиёт ёки ихтиро қилган кишига; бир қисми химия соҳасида ғоят муҳим кашфиёт қилган ёки технологияни такомиллаштирган кишига; бир қисми физиология ёки медицина соҳасида муҳим кашфиёт қилган кишига; бир қисми- юксак ғоявий-бадиий асар ёзган кишига ва бир қисми мавжуд армияларни йўқотиш ёки камайтириш, тинчлик анжуманларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ишига энг катта ҳамда энг муҳим ҳисса қўшган кишига берилиши керак. Физика ва химия соҳасидаги мукофотларни Швеция Фанлар академияси; физиология ёки медицина соҳасидаги мукофотларни - Стокгольмдаги Каролина институти; адабиёт соҳасидаги мукофотларни - Стокгольм академияси; тинчлик курашчилари учун мукофотларни – Норвегия стортинги (парламенти) сайлайдиган 5 кишидан иборат Комитет топширади. Мен мукофотларни беришда номзодларнинг қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, унинг миллати эътиборга олинмаслигини ва мукофот хоҳ ҳиндистонлик бўлсин, хоҳ бошқа мамлакатдан бўлсин, энг муносиб кишига берилишини истар эдим». Бу ҳужжат Альфреднинг қариндош-уруғларини ташвишга солиб қўйди. Баъзи газеталар Нобелни Ватанига садоқатсизликда айблашди: улар швед пули билан швед олимларигина мукофотланиши керак, деб даъво қилишарди. Бунинг устига тинчлик соҳасидаги мукофотларни топшириш ҳуқуқи Норвегияга берилганлиги шведларни жиғибийрон қилди. Чунки ўша йилларда Норвегия билан Швеция мамлакатлари ўртасидаги алоқалар кескинлашиб кетган эди. Нобель ёзиб қолдирган «Васиятнома» хусусидаги норозиликлар кучайиб бориб, сиёсий тус олди. Бирдан-бир мақсад «Васиятнома»ни бекор қилиш эди. Швед қироли ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлади. Нобелнинг қариндош-уруғлари «Васиятнома»га норозилик билдириб, бу масалани судга оширишга ҳозирлик кўра бошлашди. Альфред Нобель ўз дўсти инженер Рагнар Сульманни «Васиятнома»ни ижро этувчи васий қилиб тайинлаганди. Сульман марҳумнинг истакларини амалга оширишга бел боғлади. Бироқ унинг олдида бартараф этиш ниҳоятда мушкул қийинчиликлар турарди. Гап шундаки, Нобель «Васиятнома»ни юристнинг ёрдамисиз ўзича тузган бўлиб, унинг расмий жиҳатдан талай камчиликлари бор эди. «Васиятнома»да келтирилган ва юридик асос-ваколатга эга ворис - Нобель фонди ҳали ташкил қилинмаган эди. Мукофотни топшириш вазифаси юкланган ташкилотлар бу масъулиятни ўзларига олиш ёки олмасликлари ҳам маълум эмасди, зеро, «Васиятнома»да бу ташкилотларнинг меҳнат ҳақи қандай бўлиши, мукофотга тақдим этиладиган номзодларни танлаш тарзи ҳам баён қилинмаган эди. Узоқ ва мураккаб шароитда давом этган музокаралардан кейин бу борадаги асосий қийинчиликларга барҳам берилди. 1897 йил ёзида Сульман фақат васийлар номидангина эмас, балки Швеция академияси, Каролина медицина институти ва Норвегия парламенти номидан «Васиятнома»ни тасдиқлашни сўраб Швеция судига топширди. Энди швед ҳукумати ҳам эҳтиёткорлик билан Сульманга ён боса бошлади. 1898 йил февралида Альфред Нобелнинг қариндош-уруғлари васийларга, швед ҳукумати ва илмий муассасаларга, Норвегия парламентига қарши даъво билан судга мурожаат қилди. Яна мунозаралар давом этди. Хуллас, Нобелнинг қариндош-уруғларига фақат 1897 йилги даромадлари тақсимлаб бериладиган бўлди, шу билан тинчишди. Шундан кейин Альфреднинг қариндош-уруғлари Нобель «Васиятнома»сини ўзлари учун ҳам, авлодлари учун ҳам қабул қилишларини ва Нобельнинг қолган мол-дунёсига даъвогар эмасликларини маълум қилишди. 1898 йил июнда шартнома нотариуслар иштирокида имзоланди ва сентябр ойида уни суд тасдиқлади. Шундан кейин «Васиятнома»ни амалга оширишга тайёргарлик кўрила бошлади. 1900 йил 29 июнда швед қироли «Нобель фонди Низоми»ни ва юристлар комиссияси илмий муассаса вакиллари билан биргаликда ишлаб чиққан Нобель мукофотлари комитетининг «Махсус иш тартиблари»ни имзолади. Мазкур ҳужжатларда мукофотлар бериш ва топшириш тартиби кўрсатиб ўтилган. Директорант (катта корхонанинг бош директори бошчилигидаги директорлар ҳайъати) томонидан бошқариладиган Нобель фонди - жуда катта бойликнинг юридик вориси деб белгиланган. Бу фонд мукофотлар ҳамда Нобель институтлари иши билан боғлиқ бўлган ташкилий ва техникавий масалаларни ҳал этади. Нобель вафотидан кейин унинг жами бойлиги пул ва қимматбаҳо қоғозлар ҳисобида ўттиз уч миллион крона эканлиги аниқланди. Хусусий сарфиёт ва хайр-эҳсон учун икки миллион крона сарфланди. Қолган маблағ Нобель фонди ихтиёрига ўтди. Фондни таъсис этувчилар уч миллионга яқин кронани Нобель институтлари ташкил этиш ва уларга бино қуришга сарфлашди, қолган йигирма саккиз миллион крона асосий фондни ташкил этди. Ҳар йили олинадиган фойданинг ўндан бир қисми асосий фондни ўстириш учун сарфланади. Қолган маблағнинг тўртдан бир қисми мукофотларни топшириш билан боғлиқ харажатларни қоплашга сарфланади, қолган қисми эса баб-баравар бешга бўлиниб, мукофот эгаларига берилади. Шундай қилиб, Нобель фонди даромадининг учдан икки қисми мукофотларга берилади. Бинобарин, мукофотнинг миқдори Нобель фондидан олинадиган фойдага боғлиқ. Масалан, 1967 йили ҳар бир мукофот 320 минг крона, яъни тахминан 55 минг рублни ташкил этди. Баъзан битта Нобель мукофоти миқдори 50000 долларга етади. Нобель мукофотини олишга сазовор бўлганларга Альфред расми туширилган махсус олтин медал, диплом ва пул мукофоти топширилади. Нобель фонди ташкилоти мукофот бермайди, Нобель комитетлари ва институтларининг ишига аралашмайди. Нобель комитетлари уч-беш кишидан иборат бўлиб, мукофотлаш учун дастлабки номзодларни танлайди. Бунда Нобель институтлари кўмаклашади. Шунингдек, бундай институтларда илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Мукофот фақат чоп этилган асарлар учун бир ёки бир неча кишига, «Тинчликни сақлаш учун» мукофоти эса ташкилотларга ҳам берилади. Бир неча кишига битта мукофот берилганда пули баб-баравар тақсимланади. Нобель мукофоти марҳумларга (номзоди тасдиқлангандан кейин вафот этган олимлар бундан мустасно) берилмайди. Агар мукофотлашга арзийдиган номзод бўлмаса, ўша йилги мукофотлаш бекор қилиниши ёки кейинги йилга қолдирилиши мумкин. Борди-ю, кейинги йили ҳам шундай ҳол такрорланса, мукофот асосий фондга қайтариб берилади. Бироқ Низомга кўра Нобель мукофоти камида беш йилда бир марта берилиши керак. Агар мукофотни олишдан воз кечишса, кейинги йилнинг 1 октябридан сўнг мукофот асосий фондга қайтариб берилади. 1968 йилда Швеция давлат банки ўзининг 300 йиллиги муносабати билан иқтисод фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча Нобель мукофотини таъсис этган.

Парда БЕРДИБЕКОВ,
Назар ҚАРШИБОЕВ

(Давоми кейинги сонда)

Ўзбекистон телерадиокомпаниясида «кашф этилаётган» асаббузар қўшиқларга «Б а ғ и ш л о в»

«Эшигингни билмай очдим, Ичкарида кимлар бор?»

Эшигингни билмай очдим,
Ичкарида кимлар бор?
Навбат кутмай келавердим,
Висолингга бўлиб зор.



Казо-казо ва ҳоказо...
Ошиқларинг минг нафар.
Аммо ишқинг кўйида ҳеч
Абгори йўқ мен қадар.

Эшигингни билмай очдим,
Ўтирарди беш эркак.
Сенга боқмай, ура қочдим,
Ҳар на бўлса, жон керак!..

Эшигингни билмай очдим...

Азиз муштарий! Мабодо Сиз ҳам ана шундай ноёб қўшиқларга дуч келсангиз, дам олиш саҳифамизда ташкил этилган «Топилмалар бюро»сига ёзиб юборинг. Пародиячиларимиз навбатдаги «бағишлов»ларини Сиз юборган қўшиқ сатрлари асосида тайёрлашга кафолат берадилар.

Parodiya

Даврадаги бир гўзал ...

Даврадаги бир гўзал менга сирли боқмоқда,
Сўзласам, сўзларимнинг маъносини чақмоқда.

Даврадаги бир гўзал менга сирли боқмоқда,
Сўзласам, сўзларимнинг маъносини чақмоқда.
Толим-толим чўзилган лағмон эрур сўзларим,
Ул доно гўзал ёрим қулоғига «тақмоқда».

Ўзи жуда келишган йигитман-да, сўрсангиз,
Йўлимда қатор-қатор сулув қизлар, кўрсангиз.
Ақлу ҳушим жойида, суҳбатим ҳам кўп жонон -
Чайналмайман сира ҳам қай мавзуга бурсангиз.

Санъатдаям ўрним бор, иқтидорим бинойи,
Онда-сонда телевизорда қип тураман хиргойи.
Уқуви йўқ ҳофизлар яхши шеър деб овора,
Мен учун тайёр қўшиқ - ҳар бир гап-сўз алжойи...

Даврадаги бир йигит менга ногоҳ ўқрайди,
Балки анов гўзални рашк қилганга ўхшайди.
Бу ҳолат ҳам кўп аъло, ижод учун муддао:
Демак, яна зўр қўшиқ, шеър туғила бошлайди.

Эшигингни билмай очдим...

Эшигингни билмай очдим,
Ўтирарди беш эркак.
Сенга боқмай, ура қочдим,
Ҳар на бўлса, жон керак!..

Эшигингни билмай очдим...

Ошиқларинг минг нафар.
Аммо ишқинг кўйида ҳеч
Абгори йўқ мен қадар.

Казо-казо ва ҳоказо...

Sayilgoh «xit-parad»i

Кел деб айтолмасам нетаман...

Энди сизни саҳифамизда бундан буён мунтазам бериб бориладиган Сайилгоҳ «хит-парад»ига таклиф қиламиз. Шундай қилиб, дастлабки «ҳофиз»ларимиз билан танишинг

- Жоним чиқар, мен томонга қайрилма, ёр...
(«Шпаргалка» ишлатаётган талаба қўшиғи)

* * *

Лекин ҳеч қачон чиқмас ёдимдан,
Сенинг юришларинг...
(«Юриб кетган» эрини эслаганда айтилган)

* * *

Кел деб айтолмасам нетаман...
(Уйда эри бор пайтда севиклисини қўмсаганда)

* * *

Кет деб айтолмасам, нетаман...
(Иззатини билмаган меҳмонга аталган)

* * *

Сени осмонимга олиб кетаман...
(Лифт устасининг ваъдаси)

* * *

«Мактаб» бор жойда «дарс» бордир ҳар доим...
(Бозорда ўқувчисига олди-сотдини ўргатаётган математика ўқитувчисининг хиргойиси)

* * *

Туркман қизни майли бизга ёт қилинг...
(Туркман «манат»ини сўмга алмаштираётган кимса қўшиғи)

* * *

...Бу кунларга етганлар бор,
етмаганлар бор
(Маош куни юракларни ўртаган ашула)

«Оҳ» десам, оҳларим етиб борсалар,
Ўшал дилдорга-ей, ўшал дилдорга!
(Соатлаб уриниб телефон қилолмаётган ошиқ хиргойиси)

* * *

Лаълихон, қайда қўйингни боқаман?
(Фермерлар қўшиғи)

* * *

Сен мени ишонтир муҳаббатингга...
(«Қистир-қистир»дан кўнгли тўлмаган отарчининг шаъмаси)

* * *

Тош кўчадан юрманг, ака,
қоқилиб кетасиз-а, қоқилиб кетасиз...
(Қўйлиқдаги икки бозорни туташтирувчи ер ости йўлида айтилган қўшиқ)

* * *

Кўзим тушса, юзлари лов-лов ёнади...
(Қарзни вақтида қайтаролмай юрган «тадбиркор»нинг иқрори)

* * *

Шоҳимардон тоғларининг
ҳавоси яхши, ҳавоси яхши,
Оқ сувининг, кўк сувининг
навоси яхши, навоси яхши.
(Навоий ва Олмалиқ шаҳарларидаги саноат корхоналари мўрисидан чиққан тутун томоқни ачитганда)

* * *

Сизнинг айвон бизнинг айвон эмасму?
(Кундошлар айтими)

Қадрли қўшиқ ихлосмандлари! Агар сизда ҳам «Хит-парад»да қатнашиш иштиёқи туғилган бўлса, марҳамат. «Мусиқали» мактубларингизни кутамиз.

Янги рукн «бастакор»лари: Сирожиддин ва Тўхтамурод.

БОЙЛИК – БОШ ОҒРИҒИ...

бўлмасин, дейди донишмандлар ўз насиҳатларида

Сўзимизни ибратли бир ҳадис келтириш билан бошласак. Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалам: «Одам боласининг ёши билан бирга икки нарса ҳам улғайиб боргайдир, бири - бойликка нисбатан муҳаббати, иккинчиси - узоқ умр кўрмоқ орзусидир!» - дедилар».

«Ҳаёт ва қонун» журналининг 1999 йилги биринчи сони «Тафаккур гулшани» рукнида босилган «Мара Бар Серапионнинг ўғлига қилган насиҳатлари»ни ўқир эканман, беихтиёр юқоридаги ҳадис ёдимга тушди. Зеро, айрим бойишни истаганлар, нима қилиб бўлса-да, бойлик орттиришга уриниши ҳар қачонгидан кўра кўпайган. Шу маънода донишманднинг насиҳатлари жуда ибратлидир: «Турмушда омадсизликка дуч келсанг, бунинг учун ҳеч кимни айблама, худонинг қаҳрини келтирма, қисматингдан нолима... Буларни ўзингга қоида қилиб олсанг, ўз қадрингни ерга урмаган бўласан. Борига қаноат қилсанг, бойликка интилмайсан, камбағаллик азобини тортмайсан. Хавф-хатарсиз, ҳеч нарсадан қўрқмасдан, тинчгина яшайсан. Шодлигу қувончлар ҳамроҳинг бўлади. Шуни унутмагинки, фақат қонунбузарларгина ҳар хил ҳийла-найранг, шумлигу қувлик билан иш кўрадилар».

Қисқача шарҳни ҳадис билан бошлаганимизнинг яна бир сабаби бор. «Ҳаёт ва қонун»нинг ушбу сонида виждон эркинлиги, дин ва қонун мавзусига алоҳида ўрин ажратилган. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Пўлат Саматовнинг «Виждон эркинлиги ва ҳуқуқ» мақоласи айниқса эътиборлидир. Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг диний қадриятлари эъзозланиб, эътиқод эркинлигига кенг йўл очилди. Шу билан бирга «бу саодатни суиистеъмол қилаётган, дин ниқоби остида яшириниб, аслида ҳақиқий диний тамойилларни, миллий қадриятларни, аждодларимиз ётган табаррук қадамжоларни оёқости қилаётган, асл ниятлари ғаразли, экстремистик-террорчилик кайфиятидаги кимсалар ҳаёт тажрибаси, онги шаклланиб улгурмаган ёшларнинг фикр-хаёлини буза бошлаганига ҳам гувоҳ бўлдик...» Ўзбекистон Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси Ортиқ Юсуповнинг «Араб мамлакатларида экстремизмга муносабат қандай?» номли мақоласи ҳам юқорида эслатилган мавзуларга жуда ҳамоҳанг. «Мусулмон давлатлари тажрибаси шуни кўрсатдики, - деб ёзади муаллиф, - мустақиллик ва ислоҳотлар жараёнида бир оз эътибордан четда қолган диний соҳаларни (бўшлиқни) сиёсийлашган норасмий ташкилотлар тезда эгаллаб олдилар, давлат сиёсатига бевосита таъсир кўрсатиб, ...ўзаро низолар, ихтилофлар ҳатто қуролли тўқнашувлар содир этишди ва жамият тараққиётига тўсқинлик қилишди».

Журналнинг янги сони саҳифаларидан ўрин олган Давлат ва жамият қурилиши академияси докторанти Камолиддин Юнусовнинг «Демократлашув жараёнида кўппартиявийлик», ТошДУ докторанти Абдувоҳид Очилдиевнинг «Бошқарув ва маданий тараққиёт», Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Акбар Тошқуловнинг «Аудиторлик нима?», Адлия вазирлиги қонунчилик бошқармаси бўлим бошлиғи Улуғбек Аюбовнинг «Ер муносабатларини тартибга солиш», ТДЮИ доцентлари Дониёр Аҳмедов ва Александр Закутский қаламига мансуб «Тергов ва видеотасвир», илмий тадқиқотчи Улуғбек Набиевнинг «Ҳақиқий бўлмаган никоҳдан туғилган болаларнинг алимент ҳуқуқи» каби мақолалари белгиланган мавзунинг пухта ўрганилганлиги, илмий салоҳияти, мазмундорлик билан эътиборингизни тортади. Булар орасидан Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи, юридик фанлари номзоди Исматулла Мамановнинг «Юридик таълим истиқболлари» мақоласини алоҳида ажратиб кўрсатишни истар эдик. Муаллиф юридик таълим тизимидаги ислоҳотлар, долзарб муаммолар ҳақида куюнчаклик билан ёзади. Жумладан, у: «Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли техникум ва коллежларда ўрта махсус маълумотли юристлар тайёрланаётганини» ҳайрат билан таъкидлаб, ҳақли равишда «нима учун юристлар қишлоқ хўжалиги техникумларида тайёрланиши керак? Улар қай даражадаги ҳуқуқшунослар бўлиб етишади», каби саволларни кўндаланг қўяди.

Шоир Сайёрнинг «Қон изи» қиссаси муқаддимаси, Ўткир Саидовнинг пародиялари журналнинг янги сонига ўзига хос адабий якун ва юмор руҳини бахш этган. Лекин биз шарҳ ниҳоясида яна донишманд Серапионнинг насиҳатларига қайтишни лозим топдик. Зеро, эзгу насиҳатлар ҳамиша фойда келтириши шубҳасиз. «Бойликдан кўра кўпроқ китобга интил! Чунки давлатинг ошган сайин, тинчинг йўқолаверади. Агар билим чўққисини эгалламоқчи бўлсанг, энг аввало, эҳтиросларингни ол, ўзинг эришмоқчи бўлган нарсанинг меъёрини бил! Шунда ҳеч нарсадан афсусланмайсан!»

А.ХЎЖАМОВ

Келгуси сонда:

«ҚЎЙ ОҒЗИДАН ЧЎП ОЛМАГАНЛАР»

иши текширилганда 23061 сўм қўшиб ёзилганлиги аниқланди.

АЁЛЛАР ЙИЛИ ТУҲФАСИ

Пискент туман хотин-қизлар қўмитасининг газетаси чиқа бошлади

Янги 1999 йилнинг муҳтарам йўлбошчимиз Ислом Каримов томонидан Аёллар йили, деб эълон қилингани барча юртдошларимиз қатори пискентлик ижодкорларни ҳам руҳлантириб юборди. Туман хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси ва газетамиз ходими Тўхтамурод Ҳасанбоевнинг саъй-ҳаракатлари билан «Музайяна» номли газетанинг қайта тикланиб, чоп этила бошлагани айни муддао бўлди.

Бир умр юрт учун, халқ учун ҳалол меҳнат қилиб, боқий қадриятларимизни гавҳар доналаридай териб, ардоқлаб келган атоқли олимларимиз эндиликда эл ардоғида. Шундай азиз сиймолардан бири заҳматкаш олима, дилкаш шоира, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Музайяна Алавиядир. Газета номи атоқли олима исмидан иқтибос қилинганида чуқур рамзийлик бор.

Зеро, ўзи ҳам, қалби ҳам гўзал, рафтори, феъл-атвори ҳам гўзал бу аёлнинг ҳаёт йўли, фаолияти бугун опасингилларимиз учун жозиб намуна бўлгусидир.

«Музайяна» газетасининг йил бошида чиққан биринчи сонида сиз филология фанлари доктори Маҳбуба Қодированинг «Синчков олима, завқли шоира» мақоласида М.Алавия ҳаёти ва ижодига доир қизиқарли маълумотлар оласиз. Тошкент вилояти ҳокими муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаеванинг қутлови, таниқли хонанда Юлдуз Усмонованинг жажжи адаши билан ҳазил суҳбат газета мундарижасини бойитган. Ҳуқуқ ва ахлоқ, ибо ва замонавий турмуш тарзи, умрзоқлик ва енгил-елпи турмуш оқибатлари — бу мавзулардаги қизиқарли кузатишлар, ўй-мулоҳазалар, шунингдек, фотосуратлар, ичакузди ҳангомалар, дунё хотин-қизлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи таъсирчан лавҳалар «Музайяна»нинг мазмунли ва ҳозиржавоблигини таъминлаган.

Ҳурматли онахонлар, опа-сингиллар! Сиз томон хуш кайфият, фикр-мулоҳаза, холис маслаҳат билан йўл олган «Музайяна»га пешвоз чиқинг. У Сизга сирдош, дилдош ҳамроҳ бўлгуси!

Йўлинг қутлуғ бўлсин «Музайяна»!

О. АҲМЕДОВ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0134. Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
А.ОТАБОЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Ж. ТОҒАЕВ
терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:700047
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.